*Уйғоқ сўз*

**Абдуғани АБДУЛЛАЕВ:**

# ГЎЗАЛ АМАЛ ВА САБР-ҚАНОАТ...

Гўзал амал қилган зотлар учун хайрли оқибат ва зиёда неъматлар бордир.

**Қуръони Карим**



**(Боши 1-бетда).**

**— Тарихдан маълумки, ҳеч бир халқ ўз озодлигига осонликча эришгани йўқ. Ҳатто олтмишинчи йилларда ҳам Африка қитъасидаги қатор мамлакатлар ўз эрки йўлидаги курашларда озмунча қурбон бермади, миллат ўзининг азиз фарзандларидан жудо бўлди. Аллоҳга шукрки, юртимиз бундай йўқотишларни четлаб ўта олди. "Ўзбекистондаги тинчлик ва барқарорлик Ўрта Осиёдаги тинчлик ва барқарорлик учун керак", дейди АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Генри Ли Кларк. Табиийки, бу масала ҳеч кимни лоқайд қолдирмайди.**

— Аллоҳ таоло ҳузурига беадад шукрлар бўлсинки, мамлакатимиз Ўзбекистонда осойишталик, ҳамжиҳатлик, барқарорлик мўътадил давом этаётир. Бунга аввало юртбошимизнинг ўзлари сабаб, халқимизнинг сабр-қаноатли эканлиги сабаб, хайрли бу ишда тараққийпарвар, илғор фикрли имом-хатибларимизнинг хизмати ҳам йўқ эмас. Элу-юртни осойишта сақлашга улар ўз ҳиссаларини қўшиб келаётир.

Жазоирми, Марокашми, Тунисми, дунёнинг қайсики бир мамлакати ўз мустақиллигига эришган бўлса, ҳамиша биз уларга ҳавас кўзи билан қараб келганмиз, шундай саодатли кунлар бизга ҳам насиб этармикан деб ўксинганмиз. Чунки Шарқий Африка мамлакатларига йўлимиз тушар бўлса, мусулмон сифатида бизни кўп иззат қилишган, аммо улар юртимизни барибир Русиянинг колонияси деб қарашган. Шунга биз озурда бўлар ва азият чекар эдикки, ўзлари бу халқлар ниҳоятда қолоқ, бизнинг халқ маданиятли бўлсаю тағин бу тахлит муоразалар билдиришса, деб. Алҳамду лиллоҳ, юртимиз Имом Бухорийдек, Имом Термизийдек, Имом Насоийдек муҳаддисларни улғайтириб берган, алҳи дунё дилини уларнинг заковати минг йиллар мобайнида титратиб келаётган бўлса-ю, тағин бировга мутеъсизлар деб бизга таъна қилишса? Албатта, уларнинг ўзлари ҳам вақтида шундай гуллаб-яшнаган, дунёвий тараққиётга улкан ҳисса қўшган илғор халқ қандай қилиб мустамлакачилик асоратига тушиб қолдингизлар, деб афсус қилар эдилар. Алҳамду лиллоҳ, мана, биз ҳам истиқлолга эришдик, Пайғамбаримизнинг ҳадисларида борки, Аллоҳ берган неъматни доимий сақлаб туриш керак. Агар биз мустақиллигимизни шу ҳадисдаги Аллоҳнинг неъматига муқояса этсак, англаймизки, уни сақламоқ ҳам қарз, ҳам фарздир. Ва бу фақат юртбошимизнинг зиммасидаги вазифа эмас, балки зиёлиларнинг, уламоларнинг, бутун халқимизнинг муқаддас бурчидир. Мустақилликни мустаҳкамлаш учун энг асосий иш — меҳнат орқали иқтисодиётни кўтаришдан иборат.

Бир деҳқон кун бўйи ер чопиб, меҳнат қилиб, кечга томон кетмонини елкасига ташлаб даладан қайтаётганида Расули Акром саллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг истиқболига чиқиб, қўлини ўпдилар. Ҳолбуки, у киши бўлак бирон-бир зотнинг — на оталари, на боболарининг қўлларини ўпмаган эдилар. Деҳқоннинг қўлини ўпдилар ва айтдиларки: — Бу қўлларни Аллоҳ таоло ва Пайғамбари яхши кўради!

Чунки деҳқон мухлис бўлса, меҳнаткаш бўлса, мамлакат обод бўлади, хайри барака, давлат зиёда бўлади. Чиройли амал қилаётган меҳнаткашларга ҳурмат шундан. Албатта, иқтисодиётни кўтариш бир кишининг иши эмас, бу барчамизнинг вазифамиздир.

Мустақиллик бу-меҳнатга асосланади. Агар биз Ватанимиз шаънини кўтармоқчи бўлсак, оромдан пича воз кечиб қаттиқ ишлашимиз, ўқишимиз, ёшларимиз замонавий илмларни қунт ила ўзлаштириб олиши лозим бўлади. Пешона тери билан яратилган маҳсулотимиз жаҳон бозорига чиқсин, рақобатда ўзсин. Япония каби мамлакатлар, биласиз, тезда бойиб кетди, бунга сабаб — миллатнинг захматкашлиги, бурчини ҳалол ўташи, оқибатда маҳсулотини ўта сифатли қилиб чиқаришидир. Биз ҳам мана шундай халқлардан ибрат олишимиз керак. Қуръони Карим шунга далолат қилаяпти, кимки чиқарган маҳсулотини сифатли қилса, Аллоҳ таоло ҳам буни маъқул кўради.

Мен ёшларимизни айни шу йўлга даъват этган бўлур эдим.

**— Тақсир, Сиз ҳаётнинг аччиқ-чучигини тотган кишисиз. Ҳаётий тажрибангиздан келиб чиққанда, ҳозирги ёшларнинг зиммасига давр қандай вазифаларни юклаётир?**

— Айрим одамлар дини ислом фақат ибодат, рўза, ҳажга бориш ва закот беришдан иборат деб тушунади. Аслида ундай эмас, дини ислом ҳаётни тўла-тўкис қамраб олган. Саҳобалардан Ҳазрати Али айтибдиларки, фар-зандларингизга бугуннинг талабидан келиб чиқиб эмас, балки келажак замон талабини ҳам инобатга олиб илм берингиз, энди улар сизларнинг даврингизда эмас, балки келажак замонда яшайди, у даврнинг талаби эса бошқачароқ бўлади.

Мана шу таълимот таъсирида XII асргача юртимиздан жуда забардаст алломалар етишиб чиққан, улар ўз илми билан дунё фозилларининг биринчиларидан бўлишган.

Агар ёшларимиз келажакда яхши яшайин, халқимга нафим тегсин, Ватанимнинг шаъни-шавкатини дунёга таратайин деса кечани кеча, кундузни кундуз демай тинимсиз ўқиши, илму маърифат билан машғул бўлиши, аввал айтганимдай, замонавий фан ва технология ҳамда унинг ютуқларини ўзлаштириши лозим.

> *Биз, мана шу азиз юртимизнинг ҳар бир фарзанди қуйидаги учта шартга амал қилсак, иншоаллоҳ, буюк орзуларимизга эришгаймиз. Аввалам бор, толеимизга шукрона айтишимиз керакки, гўзалликда дунёда тенгсиз юртимиз, меҳнаткаш халқимиз бор. Уларни асрашимиз, авайлашимиз, керак бўлса, бу йўлда кўксимизни қалқон қилишимиз зарур. Иккинчидан, ҳар бир ватандошимиз, миллати, тили, дини, мавқеи ва мансабидан қатъи назар, Ватан менга нима берди деб эмас, балки мен Ватанга нима бердим, унинг равнақи йўлида нима иш қилдим, деган эътиқод билан яшаши лозим. Учинчидан, энг катта бойлигимиз — диёримизда қарор топган осойишталик, ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек авайлашимиз шарт. Бусиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.*
>
> **Ислом КАРИМОВ**

Расули Акром илму фанни гарчи Хитойда бўлса ҳам бориб, ўрганиб келинглар, деб бежиз айтмаган. Ва бу ўринда фақат диний илм назарда тутилгани йўқ, ўша пайтларда Хитойда ҳунар-мандчилик бениҳоя ривож топган эди.

Замонавий ёшлар комил маърифат ва чиройли амал соҳиби бўлиши лозим. Зеро, ҳозирда ҳам, келажакда ҳам Ватаннинг асосий юкини кўтарадиган шулардир. Қадимгилар айтганки, ёшликда ўрганилган илму-ҳунар тошга ўйиб муҳрланган нақш каби абадий қолади. Шу маънода ёшлик фаслининг ҳар бир лаҳзасини ғанимат билиш, қадрлаш керак. Ёшликда олинган таълим ҳамиша инсонга нажот бўлади.

**— Тақсир, янги йил ҳам эшик қоқиб турибди, ҳадемай у кириб келади, шу муносабат билан газетамиз ихлосмандларига қандай тилаклар билдиришни хоҳлар эдингиз?**

— Мана, ҳозир мустақиллигимиз ҳам тўртинчи йилга қадам қўйди, бу — шаклланиш йили, чунки гўдаклар ҳам тўрт ёшга тўлганида тиллари равон бўлиб кетади. Доно ва меҳнаткаш халқимиз янги йилда ўз қадрият ва анъаналарини эъзозлаш, дастурхонига файз киритишда янги босқичларни қўлга киритгай. Аллоҳ таолога илтижо қиламизки, юртдошларимизга куч-қудрат берсин, мамлакатимиз катта бир довонларни ошиб ўтсин! Ёшларимизни мустақилликка мухлис қилсин, улар ҳавас билан Ватанимизнинг оғирини енгил қиладиган катта бир кучга айлансин, омин!

**Суҳбатдош:**
**Ғаффор ҲОТАМОВ,**
**Собир ЎНАР**

---

# ОЛТИН ОЛИШ ОСОН ЭМАС

**Иван КИРЕЕВ — Тошкентда туғилган. Тошкент Давлат жисмоний-тарбия институтини тамомлаган. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний-тарбия ва спорт қўмитасининг спортчи-йўриқчиси. XII Осиё ўйинларининг ҳақиқий қаҳрамонларидан бири. Спортдаги хизматлари учун "Шуҳрат" медали ва "Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган спортчи" фахрий унвони билан тақдирланган.**

**"Кумир"и — Рассмусен**
**"Хобби"си — мусиқа**
**Энг юксак мақсади — Олимпиада чемпиони бўлиш**
**Энг севимли ранги — мовий ранг**
**Энг севимли асари — "Чол ва денгиз" (Э.Хименгуэй)**
**Энг севимли актёри — Евгений Миронов**
**Энг севимли кинофильми — Франция комедиялари**
**Энг севимли қўшиқчиси — Игорь Николаев**
**Энг севимли маскани — Тошкент**
**Энг яхши кўрган таоми — жўжа қовурмаси**

**— Иван, сиз Осиё ўйинларининг ҳақиқий қаҳрамони бўлдингиз. Учта олтин ва битта бронза медалларини олишни ўзи бўлмайди. Олтин олиш осонми?**

— Йўқ, албатта. Ҳар бир медаль учун бутун жисмоний ва руҳий имкониятларни ишга солишга тўғри келди. Яна спортчига ўз имкониятларини қаерда ва қандай ишлатиш учун сезги ҳам керак.

**— Осиё ўйинларини ўтган йилги қитъа чемпионати билан таққослаш мумкинми?**

Йўқ. Бу мусобақалар бирбиридан шиддатлилиги, нуфузи ва кескин рақобатлари билан тубдан фарқ қилади. Осиё ўйинларида қитъанинг барча мамлакатларидан энг маҳоратли эшкакчилар иштирок этишди.

**— Эшкак эшиш республикамизда оммавийлашмаган, айтиш мумкинки, кўпчиликка таниш бўлмаган спорт турларидан бири. Сиз не сабабдан спортнинг айнан шу турини танлагансиз?**

— Гапингизга қўшилмайман. Кейинги вақтда эшкак эшиш бизда ҳам оммавийлашиб бормоқда. Энди саволингизга келсак, ёшлигимда норвегиялик халқаро тоифадаги машҳур эшкакчи Рассмусеннинг чиқишларини телевизор орқали катта қизиқиш ва ҳавас билан томоша қилар эдим. Ўшандаёқ менда ушбу спорт турига қизиқиш уйғонганди. Дастлаб оиладагилар мени тушунишмади, фақатгина акам тушуниб, менга кўп ёрдамлар кўрсатди.

**— Эшкак эшувчилар учун бизда яхши сув ҳавзалари йўқ чоғи?**

— Чирчиқ, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда яхши сув ҳавзалари бор. Тошкент денгизи ва Чарвоқда қулайгина базалар мавжуд.

*"Осиё ўйинлари" қаҳрамонлари*



**— Сиз илгари ҳам халқаро йирик мусобақаларда иштирок этганмисиз?**

— Ҳа. Собиқ Иттифоқ ва СССР халқлари X Спартакиадасининг чемпиони, ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони, жаҳон Кубоги совриндори ва тўрт карра Осиё чемпиони бўлганман.

**— Зўр-ку. Четдан таклифлар тушаяптими?**

— Тушаяпти.

**— Кетасизми?**

— Ўйлаб кўраман.

**— Сизнингча спорт нима?**

— Имкониятлар чексизлиги...

**— Сизнинг Осиёдаги асосий рақибларингиз кимлар?**

— Хитойлик ва қозоғистонлик спортчилар.

**— Орзуларингиз?**

— 1996 йил Атлантада бўлиб ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларида оркестрга республикамиз гимнини чалдириш.

**— Илойим, айтганингиздек бўлсин.**

**Суҳбатдош Алижон АБДУРАҲМОНОВ**
**"Туркистон" мухбири.**

Суратда: Иван КИРЕЕВ (чапда) мураббийлари билан

---

*Газета саҳифаланаётганда*

# "КИМ ОШДИ"ДА КИМ ОШДИ

Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Фарғона вилояти бошқармаси, республика "Ким ошди" савдо биржасининг вилоят бўлими ва Америка Қўшма Штатларининг халқаро хусусийлаштириш агентлигига қарашли "Прайс Уотерхоуз" компанияси ҳамкорликда Қўқон шаҳрида навбатдаги кўчмас мулкнинг "Ким ошди" савдосини ўтказди.

Иккинчи марта ўтказилган ушбу савдода дастлабки қиймати 763 минг сўмлик бўлган турли иншоотлар 2 миллион 286 минг сўмга сотилди. Ёпиқ тарзда ўтказилган савдода эса шаҳардаги "Деҳқонлар уйи" оз эмас, кўп эмас, нақд 18 миллион 200 минг сўмга (!) баҳоланади. Унинг бошланғич нархи эса... 400 минг сўм эди!

Данғара туманидаги Янгиобод қишлоғига жойлашган бўрдоқичилик мажмуи 257 минг сўм қийматда баҳоланиб, савдога қўйилган эди. Уни данғарлик бир жаноб бир миллионга "илиб кетди". Сал олдинроқ эса Қўқондаги "Қўқон" меҳмонхонаси 19 миллион (!) сўмга сотилган эди. Навбатдаги савдо Марғилон ва Фарғонада бўлиб ўтади. Уларда енгил ва юк ташиш автомобиллари, трактор ва юклагичлар савдога қўйилади деган режалар ҳам йўқ эмас...

Ажабланадиган ери йўқ. Пул топган, хисобини ҳам топади. Энг асосийси, мулк ўзининг ҳақиқий эгасига топширилаяпти. Савдони кузатиб туриб, оғзи "ланг" очилиб қолганларга бойваччалар:

— Зар қадрини заргар билади, чилангар ниманиям билади, — дейишди. Хулосани энди ўзингиз чиқариб олаверинг!

**Рустам Бой МУҲАММАД.**

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

- **Жаннат эшигини очган болалар...**
- **Сиз уларни кунда кўрасиз**
- **Бир оғиз ширин сўз**

---

*Бир хат изидан*

# МАШМАША

## Ёхуд Қашқадарё вилоят ва Қарши шаҳар "Сувоқова" ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги носоғлом муҳит хусусида

Изтиробли сатрлар битилган шикоят хатини олдим. Хат Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги Бойтерак қишлоғида яшовчи фуқаро Искандар Санақулов томонидан таҳририятимизга ёзилган экан. Очиғи, мазкур хатни бир марта ўқиб чиқиб, масала моҳиятига тўла тушуниб етмадим. Сўнг қайта-қайта ўқиб, хат муаллифининг мақсадини англадим. Азиз муштарийлар, яхшиси хатнинг қисқача мазмуни билан сизларни таништирай:

"Ҳурматли муҳаррир!

... 1992 йил 1 ноябрдан буён вилоят "Сувоқова" ишлаб чиқариш корхонасида ишлайман. 1993 йилга келиб, мени Қарши шаҳар "Сувоқова" ишлаб чиқариш корхонасига қарашли Шайхали қўрғонидаги тозалаш иншоотига бошлиқ этиб тайинлашди. Вилоят "Сувоқова" ишлаб чиқариш корхонаси раҳбарлари 1 октябрь 1993 йилдан бошлаб, ишга киришишга буйруқ берди. Мен ушбу буйруқ асосида ишга киришдим. Лекин фаолиятим узоққа бормади. Ой охирига бориб, иш табелларимни Қарши шаҳар "Сувоқова" ишлаб чиқариш кор онаси бошлиғи Ўктам Йўлдошевга олиб борганимда у қабул қилмади. Нега деб сўраганимда "Сени мен ишга тайинлаганим йўқ, ким тайинлаган бўлса ўша киши қабул қилсин" деди. Мен шунга қарамасдан ҳар ой охирида ойлик табелларимни алоқа бўлими орқали жўнатиб турдим. Охири менга буйруқ берган вилоят "Сувоқова" ишлаб чиқариш кор онаси бошлиғи Отақул Қувондиқовга мурожаат қилдим. У киши менга "агар буйруғимни бажармаган бўлса, шаҳар прокуратурасига маълум қил", деди. Прокуратурага ҳам мурожаат қилдим. Прокуратура эса материалларни икки ойдан сўнг, шаҳар судига оширган. Шаҳар суди масалани мукаммал ўрганмасдан қонунсиз қарор чиқариб юборган. Ана шу қарорни вилоят судига кўрсатдим. Улар шаҳар прокурорининг қарори йўқ дегандан сўнг, яна шаҳар прокурорига учрашдим. Хуллас, отангга бор, онангга бор дейишдан бошқа гап бўлмади. Бу ўртада олдинги бошлиқ Абдужаббор Содиқов суд орқали қайта ўз лавозимига тикланди. Мен эса "чорраҳанинг қоқ ўртасида" қолиб кетдим..."

И. САНАҚУЛОВ (имзо).

Хат билан танишгач шикоятчи Искандар Санақулов билан учрашдик. Унинг хоҳишини ва талабани ҳисобга олиб, масалани обдон ўрганишга киришдик. Вилоят "Сувоқова" ишлаб чиқариш корхонасида бўлиб, Искандар Санақулов ҳақидаги ҳужжатлар билан танишганимда хатда кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланди. Ҳақиқатан ҳам корхонанинг 1993 йил 1 октябрь 315-сонли буйруғи билан Содиқов Абдужаббор Шайхали тозалаш иншооти бошлиғи вазифасидан озод қилиниб, ўрнига Искандар Санақулов тайинланган. Тўғри буйруқда вақтинча бажарувчи этиб тайинлансин дейилган. Ҳатто, иншоотни қабул қилиш учун етти кишидан иборат комиссия ҳам тузилган. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, мазкур буйруқда Қарши шаҳар "Сувоқова" ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Ў. Йўлдошевга вилоят "Сувоқова" ишлаб чиқариш корхонасининг 297-сонли буйруғининг бажарилишини таъминламагани учун "ҳайфсан" берилганлиги қайд қилинган. Вилоят "Сувоқова" ишлаб чиқариш корхонасининг раҳбарлари ва мутахассисларидан Искандар Санақулов ҳақида сўраганимда ҳаммаси ҳам ижобий фикрларни билдиришди.

— Буйруқ бергансизу, бироқ унинг бажарилишини таъминламагансиз. Бунинг балким аниқ сабаблари бордир,— дея сўраймиз вилоят "Сувоқова" ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Отақул Қувондиқовдан.

— Тўғриси, бунинг ҳеч қандай бошқа сабаби йўқ. Ўзим ҳам нима қилишни билмайман. Берган буйруқни ҳам, унинг бажарилмаганлигини ҳам тан оламан. Ўктам Йўлдошев мунтазам инкор қилиб келаяпти.

— Инкор қилса, юқори ташкилотингизга ёки ҳокимликка мурожаат қилсангиз бўлади-ку?

— Шаҳар тергов бўлимига мурожаат қилганман. Аммо бу мурожаатлар адолатли ечимини топмаётир. Искандарнинг ўзи ҳам буни яхши билади.

— Билган билан сиз бошлиқсиз, у эса сизнинг буйруғингиз асосида иш кўрувчи оддий мутахассис. Сиз ўзингиз берган буйруғингизнинг ижросини таъминламаганингиздан сўнг, унинг қўлидан нима иш келарди?

— ?!...

Хуллас, Отақул Қувондиқов билан узоқ суҳбатлашиб, бирор бир жўяли фикр ололмадик. Тоқатимиз тоқ бўлиб, Қарши шаҳар "Сувоқова" ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Ўктам Йўлдошев билан учрашдик.

— Ҳаммасидан хабарим бор,— дея гап бошлади Ў. Йўлдошев.— Мен ҳам 1992 йилдан буён мазкур ташкилотга бошлиқ бўлиб ишлаяпман. Абдужаббор Содиқов ҳам мен билан бирга иш бошлаган. Тўғри, иш бўлгандан сўнг камчилик ҳам бўлади. А. Содиқовни ишдан бўшатишди. Лекин у суд орқали қайта тикланди-ку? Қандай қилиб суд орқали тикланган киши ўрнига бошқа бир кишини ишга олишим керак?

— А. Содиқов фактларга қараганда бирдан ўз вазифасига тиклангани йўқ-ку?

— Тўғри, очиғини айтганда, вилоят "Сувоқова" ишлаб чиқариш корхонасининг буйруғини бажармадим. Вассалом. Буни бошлиқнинг ўзи ҳам билади.

— Бажариш, бажармаслик бу сизнинг ишингиз, лекин масалага қонуний ёндошадиган бўлсак, юқори ташкилотнинг буйруғи ижро учун берилади. Агар ўша буйруқ сизни қониқтирмаган бўлса, бир-бири билан бевосита корхона раҳбарлари ўзаро маслаҳатлашиб кўришларингиз мумкин эди-ку?

— ?!...

— Искандар Санақуловни танийсизми?

— Унча яхши танимайман, иш юзасидан югуриб юрганини эшитганман.

— Сизга мурожаат қилганман дейди, шу ростми?

— Мурожаат қилган бўлса қилгандир, лекин шаҳар "Сувоқова" ишлаб чиқариш корхонаси Искандар Санақулов ҳақида ҳеч қанақа буйруқ чиқармаган.

— Ойлик иш ҳақи юзасидан алоқа бўлими орқали мурожаат қилганман дейди Искандар Санақулов. Шу ҳақда маълумот борми?

— Тўғри, икки марта мурожаат қилган.

Хуллас, масала яна чигаллигича қолди — ўз ечимини топа олмади. Ўктам Йўлдошевга кейин ҳам хат юзасидан бир неча бор мурожаат қилмоқчи бўлдик. Лекин уни на телефондан, на идорадан топиб бўлмади.

Охири, узоқ ўйлаб, ҳар иккала ташкилот устидан ҳам назорат юритувчи вилоят ҳудудий коммунал хизматдан фойдаланиш бирлашмаси раҳбарларига мурожаат қилишга қарор қилдик. Биз ҳам шуни назарда тутиб, вилоят ҳудудий коммунал хизматдан фойдаланиш бирлашмаси бошлиғи, вилоят ҳокимининг муовини Бахтиёр Раҳмоновга мурожаат қилдик. Минг афсуски, икки-уч кунлаб кутиб, у кишининг қабулига кирганимиз зое кетди. Буни қуйидаги суҳбатдан ҳам билишингиз мумкин:

— Бахтиёр Раҳмонович, бир шикоят хат юзасидан Сизга мурожаат қилаётирмиз, агар вақтингиз бўлса қисқача тушунтирсак?

— Тушунтириб нима қиласиз, ҳаммасидан хабарим бор, менга Ўктам Йўлдошев келиб айтди.

— Нимани айтди?

— Нимани бўларди, шикоятчини етаклаб идорама идора кириб юрганингизни.

— Ишимиз шуни тақоза қилгандан сўнг, керакли ташкилотларга, унинг раҳбарларига мурожаат қиламизда. Мухбирман деб масалани мукаммал ўрганмасдан газетага мақола беравериш керакми, сизнингча? Сиз вилоят ҳокимининг бизни қизиқтирган соҳа бўйича муовинисиз, шу боисдан ҳам қабулингизга келдик.

— Хўш, қиладиган ишининг тайини йўқ бир шикоятчининг хатини мукаммал текширувдан ўтказиш учун сизга ким кафолат берди?

— Бу ерда кафолат, ҳуқуқ ҳақида гап кетаётгани йўқ, аксинча икки ташкилот ва бир инсон тақдири ҳақида гап кетаяпти. Сиз ҳам раҳбар. Лекин халқ билан раҳбарсиз. Қабулингизга келган оддий фуқарони ҳам қабул қилиб, уни тинглашингиз лозим.

— Хўш, ука, гапни кўпайтирмасдан мақсадингизни айтинг?

— Мен сизнинг ҳузурингизга шахсий илтимос билан эмас, хизмат юзасидан кирганман. Қолаверса, мен шу газетанинг вилоят бўйича мухбириман. Вилоятдаги оддий ечимини топадиган муаммони газета орқали республикага ёйишни ўзимга эп кўрмасдан сизнинг ҳузурингизга киргандим. Ҳамма ҳам ўз эли, вилояти шарафи учун курашади-ку. Афсус...

— Майли, ука, билганингизни қилинг. Хат билан мени ҳеч қандай алоқам йўқ. Аризачига айтинг, судга берсин. Бу иш[illegible] билан орган шуғулланади...

Очиғи, матбуотда 24 йилдан буён ишлаб бунақа қўпол муомилада бўлган раҳбарни сира учратмагандим. Тўғри, тўқнашувлар бўлган-у, лекин ўз вақтида бир-биримизнинг хатомизни тушуниб, узр сўраганмиз. Вилоят ҳокимининг муовини Бахтиёр Раҳмоновнинг муомиласини кўриб, республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг "Ҳалоллик ва фидойилик — фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин" деган мавзуда Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидаги бир фикр хаёлимга келди.

"... Кўпчилик хафа бўлмасин-у, айрим раҳбарларнинг ғалати хислатлари ҳақида гапирмоқчиман. Улар қўл остидаги одамларга етарли эътибор бермайди, ўзидан юқори амалдорлар олдида эса, саккиз букилиб салом беради. Ишни билмайди десангиз, ўз манфаати йўлида калласини шундай ишлатадики, ҳайрон қоласиз! Ана шуларни кўриб, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда янглишиш нақадар мушкул оқибатларга олиб келиши мумкинлигига амин бўласиз..." деганди Президентимиз ўз нутқида. Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан бир қатор тадбирларни амалга ошираётган бир пайтда баъзи раҳбарларимизнинг тазйиқ остида иш тутиши мақсадга мувофиқ эмас.

Энди асосий мақсадга ўтадиган бўлсак, бизнингча Искандар Санақуловга бошқа юқори ташкилотларга елиб-югуришни маслаҳат кўрмаймиз. Аксинча, қимматли вақтини йўқотади. Чунки иккита, яъни бир-бирига боғлиқ корхоналар ўртаси[illegible] носоғлом вазият, ва маз[illegible] ташкилотларни назор[illegible] қилувчи вилоят бошқармасидаги ҳолат ҳаливери бир тўхтамга келишига ишонмаймиз. Қачонки, бу масалага республикадаги бевосита мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари аралашмас экан, муаммо муаммолигича қолаверади.

Биз бир хат юзасидан фикр юритдик, аммо мазкур ташкилотларнинг асосий иш фаолияти хусусида лом-мим демадик. Бу масалада, албатта, мавзуга қайтамиз.

**Аҳрор САМАРИДДИНОВ,**
**"Туркистон" мухбири.**

---

*Эл осойишталиги йўлида*

# ҚИЛНИ ҚИРҚ ЁРИБ...





Самарқанд вилояти Оқдарё тумани ички ишлар бўлими ходимлари эл осойишталигини таъминлаш борасида тинимсиз ҳаракат қилишмоқда. Ёшлар билан учрашувлар ўтказиш, жойларда тушунтириш ишларини олиб бориш, жиноятчиликни олдини олиш учун профилактик тадбирларни амалга ошириш шулар жумласидандир. Натижа ва кўрсаткичлар туманда содир этилаётган жиноятлар сони камайиб бораётганидан дарак бермоқда. Масалан, шу йилнинг ўтган даври мобайнида жиноятнинг очилиши 94,1 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилгидан қарийб 2 фоиз кўпдир. Жиноятчиликнинг умумий сони эса ўтган йилгига нисбатан 12 фоизга камайди. Бу кўрсаткичларга эришишда тергов гуруҳи бошлиғи милиция капитани Алибек Равшанов ва бошқа терговчиларнинг хизматлари катта бўлмоқда.

**СУРАТДА: 1. Оқдарё тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори Илҳом Олтибоев бўлим аъзоларига навбатдаги иш юзасидан керакли кўрсатмалар бермоқда. 2. Тергов гуруҳи бошлиғи, милиция капитани Алибек Равшанов иш устида.**

**К. ЎЛМАСОВ суратлари**

# «СОВҒА»—АЙНАН СИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН ЛОТЕРЕЯ





Илгари ҳеч қачон бунақаси бўлмаган — "Совға" лотереяси ютиб олишингиз учун Сизга кенг имкониятлар беради. Ютуққа автомобиллар, видеоаппаратуралар, телевизорлар, мебель жамламалари, гиламлар, эҳ-ҳе, яна қанчадан-қанча халқ истеъмол буюмлари қўйилади.

Ютаман деган одам борки, ниятига етади. Бошқача қилиб айтганда, лотереяни чиқаришга кетган умумий маблағнинг 70 фоизи ютуқ миқдорини ташкил этади.

"СОВҒА" лотереяси билетлари "Ўзжамғармабанк"нинг барча муассасаларида, алоқа бўлимларида, савдо шаҳобчаларида ва жамоатчи тарқатувчилар томонидан сотилади.

**Билет нархи — 10 сўм.**

"СОВҒА" лотереясини харид қилишга шошилинг! Ютуқлар тиражи 1994 йил 28-29 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.



## ЮТУҚЛАР... ЮТУҚЛАР... ЮТУҚЛАР...

"Tico" автомобили — 40 дона
"Funai" видеоиккилиги — 400 дона
"Зафар" телевизори — 160 дона
"Семурғ" телевизори — 2080 дона
Юмшоқ мебель жамламаси — 2240 дона
Ошхона мебели жамламаси — 960 дона
Далаҳовли мебели жамламаси — 4000 дона
Гилам 2x3 — 8000 дона
Болалар аравачаси — 2160 дона
"Антошка" аравачаси 1240 дона
"Семурғ" радиоприёмниги — 1680 дона
Аккумулятор — 400 дона
Қандиллар — 2880 дона
Аёллар пальтоси — 760 дона
Эркаклар костюми — 800 дона
Палос 2x3 — 4000 дона
Стол лампаси — 2200 дона...

РЎЙХАТНИ ЯНА ДАВОМ ЭТТИРИШ МУМКИН. УЛАР ЖУДА-ЖУДА КЎП!

*Янада тўлароқ маълумотларга эга бўлай десангиз "Ўзжамғармабанк"нинг исталган муассасалари, алоқа бўлимларига мурожаат этишингиз ёки бўлмаса,*

**45-35-49; 45-66-43; 33-51-95**

*телефонларига қўнғироқ қилишингиз мумкин.*




## ЎЙНАНГ ВА ЮТИБ ОЛИНГ! ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!

**"СОВҒА" лотереяси — оилангиз учун энг яхши туҳфа!**

"СОВҒА" лотереясини сотиб олиб, Сиз қимматбаҳо ютуқнинг бахтиёр соҳиби бўласиз. Сизларни автомобиллар, видеоаппаратуралар, телевизорлар, мебель жамламалари ва бошқа халқ истеъмоли буюмлари кутмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ | ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ | ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ | "ЎЗБЕКСАВДО" | "ЎЗБЕК-БИРЛАШУВ"

Бош муҳаррир Ғаффор ҲОТАМОВ

Туркистон — TURKISTAN

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар – 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими – 32-57-93; ижодкор ёшлар – 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик – 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш – 32-53-98; тижорат – 32-58-48; қабулхона – 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ: [illegible]
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби N 00012. Буюртма Г — 1236 39111 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди —21.00
*Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. "ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Индекс: 64672.*
1 2 3 4 5 6